# Qishloq hayoti

**Қишлоқ ҳаёти**

2014 йил — Соғлом бола йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi | www.qishloqhayoti.uz | 2014-YIL 11-SENTYABR, PAYSHANBA, 109 (8346)-son | 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | Bahosi kelishilgan narxda.


# МАМЛАКАТИМИЗ ЕНГИЛ САНОАТИ САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА «ТЎҚИМАЧИЛИК УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – CAITME – 2014» ВА «ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ – TEXTILE EXPO UZBEKISTAN – 2014» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРИ ОЧИЛДИ.**



ЎзА фотомухбири Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси, Савдо-саноат палатаси, "Осиё рамзи" Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси кўмагида "ITE-Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ва "ITE" компаниялари гуруҳи (Буюк Британия) томонидан ташкил этилди.

Очилиш маросимида "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси И.Ҳайдаров, "Осиё рамзи" Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси раиси Х.Комилова ва бошқалар Ўзбекистон ҳақли равишда дунёда тўқимачилик саноати марказларидан бири эканини таъкидлади. Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида енгил саноатни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир.

Мустақиллик йилларида тармоқни ривожлантиришга қарийб икки миллиард АҚШ доллари йўналтирилгани ўз самарасини бермоқда. 1991 йилда мамлакатимизда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 7 фоиздан ошмаган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 44 фоизни ташкил қилди. Тармоқнинг экспорт салоҳияти 130 баробар ошиб, жорий йил якуни бўйича экспорт ҳажми бир миллиард долларга етиши кутилмоқда. 2015-2020 йилларда Ўзбекистон енгил саноатини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу даврда ип ишлаб чиқаришни икки баробардан зиёд ва тайёрланаётган ип-газлама ҳажмини қарийб уч баробар ошириш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарининг асосий қисмини ўзида бирлаштирган "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси олдига ҳам кенг кўламли вазифалар қўйилган. Мазкур компанияга қарашли корхоналар трикотаж полотноси ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб уч баробар, тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқаришни 138,6 миллион донадан 296 миллион донага, тикувчилик буюмларини 6,1 миллион донадан 20,1 миллион донага кўпайтиришни режалаштирган.

Ушбу концепцияда янги инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришга замонавий ускуна ва технологияларни жорий этиш кўзда тутилган. Тўққизинчи "Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME – 2014" ва ўн биринчи "Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan – 2014" халқаро кўргазмалари эришилган ютуқларни намойиш этиш учун ўзига хос майдонга айланди.

Ўзбекистон ва Хитой, Жанубий Корея, АҚШ, Франция, Германия, Япония, Буюк Британия, Беларусь, Бельгия, Ҳиндистон, Италия, Люксембург, Нидерландия, Польша, Россия, Руминия, Словакия, Чехия, Туркия, Швейцария каби дунёнинг 22 давлатидан қарийб 250 компания ушбу икки кўргазманинг бирлашган экспозициясида ўз маҳсулотларини намойиш этаётир. Улар тўқимачилик ускуна ва технологиялари, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ушбу умумий йирик экспозиция халқаро ишбилармонлик кооперациясини ривожлантириш масалаларини ҳал этиш учун қулай майдондир. Иштирокчилар сўнгги янгиликларни намойиш этиш асносида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтиришни кўзламоқда.

Хитойлик иштирокчилар ҳам ўз маҳсулотларини кенг намойиш этмоқда. Ушбу мамлакатнинг ўттизта компанияси тўқимачилик корхоналари ташкил этишда фойдаланиладиган кенг турдаги замонавий ускуна ва бутловчи қисмларни тақдим этган.

– Компаниямиз тўқимачилик ускуна ва технологияларини экспорт ҳамда импорт қилишга ихтисослаштирилган, – дейди Хитойнинг "China Texmatech" компанияси менежери Го Дунвэй. – Ўзбекистон билан бир неча йилдан буён ҳамкорлик қилиб, CAITME кўргазмасида иштирок этиб келмоқдамиз. Ўтган давр мобайнида мамлакатингизнинг тўқимачилик саноатидаги салоҳияти сезиларли равишда ошганини қайд этишни истардим. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан йўлга қўйилган ишбилармонлик алоқаларини қадрлаймиз ва ташқи савдо фаолиятимизда уларга алоҳида аҳамият берамиз.

Италия компаниялари жорий йилги кўргазмаларда илк маротаба иштирок этмоқда. Уларнинг маҳсулотлари Италия компаниялари ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш агентлиги томонидан ягона миллий стендда жамланган. Улар орасида юз йилдан кўпроқ вақтдан буён жаҳон бозорида фаолият юритиб келаётган "Bonino Carding Machines", "Biancalani", "Ratti Luino SRL" ва бошқа компаниялар бор.

– Бугунги кўргазмада тугма ишлаб чиқарадиган ускуна ва технологияларни намойиш этмоқдамиз. – дейди "Bonetti" компанияси менежери Эцио Тортелли. – Ўзбекистон енгил саноатда фойдаланиладиган кучли хомашё базасига эга. Шу боис, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш борасидаги салоҳиятини изчил ривожлантирмоқда. Бу Ўзбекистон тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янада кенгайтириш имконини беради.

"Textile Expo Uzbekistan" кўргазмасида йиллар давомида шаклланган анъанага кўра, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари стендида экспортга мўлжалланган юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Кўргазмада мамлакатимиз тўқимачилик саноати етакчилари билан бир қаторда "Ars Triomax" масъулияти чекланган жамияти, "Mighty Tiger", "Textile Technologies Group" каби қўшма корхоналар ва бошқа компаниялар илк маротаба қатнашмоқда.

– "TRIOBABY", "AZZAZO" ва "TRIOMAX" савдо белгиси остида кенг турдаги болалар, аёллар ва эркаклар либослари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз, – дейди "Ars Triomax" масъулияти чекланган жамияти менежери Азиз Халилов. – Либослар дизайни мутахассисларимиз томонидан тайёрланади. Ички бозорда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлган компаниямиз маҳсулотларини энди экспортга чиқаришни режалаштирмоқдамиз. Бугунги кўргазмаларда чет эллик иштирокчилар бизнинг стендга катта қизиқиш билдираётгани режаларимиз муваффақиятли амалга ошишига ишончимизни мустаҳкамлайди.

"Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME – 2014" ва "Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan – 2014" халқаро кўргазмалари иштирокчилари географияси кенгайиб бораётгани ва экспозицияларнинг хилма-хиллиги тармоқни ривожлантиришда жаҳон тенденциялари ва сўнгги янгиликлардан фойдаланилаётгани ҳақида кенг тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради. Бундай кўргазмалар эса халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва янада мустаҳкамлаш, янги капитал қўйилмаларини жалб этишнинг самарали воситасига айланиб бормоқда.

**Б.ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири.**




Самарқанд Вилояти

## ЯНГИ ГАЗ ҚУЙИШ ШОХОБЧАСИ

*Нуробод туманидаги Оқсой қишлоғида суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси ишга туширилди.*

Оқсойлик тадбиркор Туйчи Ҳакимов ташаббуси ҳамда "Алоқабанк" Самарқанд филиалининг 195 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига қуриб битказилган шохобчага "Марказгазтаъминот" унитар корхонасининг тақсимоти асосида суюлтирилган газ етказиб берилади. "Темур газ" масъулияти чекланган жамиятига қарашли мазкур шохобчада бир кунда турли ҳажмдаги 700-800 та баллонга газ қуйилмоқда. Мажмуанинг очилиши билан ўнга яқин қишлоқ ёшлари муқим иш ўринларига эга бўлишди.

**Нуриддин БОЛИЕВ**

Сирдарё Вилояти

## МАҲАЛЛА ГЎЗАРИ – ГЎЗАЛ МАСКАН

*Гулистон шаҳридаги Бўстон маҳалласида "Анорбой ота" гузари ишга тушди. Янги очилган гузарда супермаркет, болалар учун очиқ ҳавода замонавий аттракционлар барпо этилди.*

— Ушбу ишлар учун "Халқ банки"нинг вилоят бўлими 180 миллион сўм кредит ажратди, — дейди "Иймон-инсоф-барака" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алижон Шералиев. — Бунинг учун молия муассасасидан миннатдормиз. Қурилиш ишларини давом эттириб, 120 ўринли кафе ҳамда усти ёпиқ йиғма мини-футбол майдончаси барпо этмоқчимиз. Ана шунда гузаримиз болалар ва катталар учун ҳақиқий дам оладиган масканга айланиши, шубҳасиз.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Жиззах Вилояти

## «КЎКБОЗОР»НИНГ КЎРКАМ ҚИЁФАСИ

*Жиззах шаҳридаги "Кўкбозор" марказий деҳқон бозори яна ўз фаолиятини бошлади. Жорий йилда реконструкциядан чиқарилган мажмуа мутлақо янгича қиёфага кирди.*

1500 та савдо ўрни юзага келтирилган бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун 6 та павильон ишлаб турибди. Шунингдек, бу ерда гўшт, балиқ ва сут маҳсулотлари учун махсус павильонлар ҳам мавжуд. Дўконлар, расталар реконструкция қилиниб, улар яхлит ва уйғун кўриниш касб этди. Мажмуанинг устки қисми тўлиқ ёпилиб, харидорлар ва сотувчилар учун қулай шароитлар яратилди.

Айни вақтда Жиззах шаҳридаги яна бир йирик бозор — "Эски шаҳар буюм савдо" мажмуасида ҳам реконструкция ишлари изчил амалга оширилмоқда. Шунингдек, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл, Ғаллаорол ва Зомин туманларидаги деҳқон бозорларини ҳам қайта қуриш чоралари кўриляпти.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ**

Қашқадарё Вилояти

**Вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари Кенгаши томонидан "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида тадбирлар ташкил этилди.**

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТДИ

Шундай тадбирлардан бирида вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари Кенгаши томонидан 137 нафар хотин-қизларга маиший жиҳозлар топширилди. Етти нафар аёлларга соғлиқларини мустаҳкамлаш учун сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар берилди.

Олиб борилган тадбирларда ёшларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. "Касаба уюшмалари – талабаларга" акцияси доирасида кам таъминланган кўплаб оилаларнинг фарзандларига ҳамда иқтидорли талабаларга касаба уюшмалари ташкилотларининг стипендиялари топширилмоқда.

"Ватан ўз ватанпарварларини хотирлайди" акцияси доирасида хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар идоралари ходимларининг оилаларига ғамхўрлик кўрсатилди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# МАРДЛИКНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

## 11 СЕНТЯБРЬ — «МАРДЛИК» ОРДЕНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН КУН

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал миллий армиямизнинг барпо этилгани мамлакатимиз тинчлиги ва фаровон ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлмоқда.**

Армияни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш баробарида ҳарбийларимизнинг хизмат ва яшаш шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда рағбатлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

«Мустақиллик», «Амир Темур», «Жалолиддин Мангуберди» орденлари, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун» каби медаллар давлатимизнинг мудофаа қудратини юксалтиришга ҳисса қўшаётган ҳарбийларимиз меҳнатини қадрлаш, шу билан бирга, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашга хизмат қилаётир.

Президентимиз ташаббуси билан «Мардлик» орденининг таъсис этилгани бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

«Мардлик» ордени 1 микрон қалинликда олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади. Орденнинг баландлиги 50 миллиметр, эни 41 миллиметр, қалинлиги 4,5 миллиметр.

Орден нишони йиғма, унинг асоси тилла ранг нақшинкор парчинлари бўлган кўк эмаль ҳошияли шаклдор геральдик қалқон кўринишида бўлиб, унга саккиз қиррали юлдуз бириктирилади. Юлдуз қирралари тарам-тарам бўлиб таралаётган заррин нурлар кўринишида бажарилган.




Саккиз қиррали юлдузга нақшинкор парчинлари бўлган, қадимий услубда акс эттирилган думалоқ шарқона қалқон кўринишидаги диаметри 30 миллиметрли қоплама медальон бириктирилади. Қалқоннинг ҳар иккала ён томони ғалаба, шон-шуҳрат ва мукофот рамзи бўлган қавариқ, тилла рангли дафна япроқларидан гулчамбар кўринишида ҳошияланган.

Шарқона қалқондан юқорида мовий рангда эмалланган олтин қопланган ярим ой ва юлдузли мусамман – Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг муқаддас рамзлари тасвирланган. Мусамман ёнларида саккиз қиррали юлдуз фонида миллий ор-номус ва қадр-қиммат, она юртни ҳимоя қилишга шайлик рамзи бўлган, ўзаро кўндаланг кесишган иккита қадимий шарқона қилич эфеси (даста беламаги), қуйи томонда эса уларнинг узун қайрилма тиғларининг учлари қавариқли тасвирланган.

Орден нишони композициясини Ватан ҳимоячисининг ҳаёт сарчашмаси ифодаси бўлган асосий рамзий белги – чор атрофга таралаётган заррин қуёш нурлари акс этган оқ рангли эмаль фонидаги қалқон марказида жойлашган бўртма тасвири якунлайди.

2012 йил 11 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ "Мардлик"ордени билан ўзини Ватанни ҳимоя қилишга ва она юрт хизматига бағишлаган, мардлик ҳамда жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланади. Алоҳида ҳолларда «Мардлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

Президентимизнинг 2014 йилда 10 январдаги фармони билан давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар "Мардлик" ордени билан тақдирланди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси, сержант Беҳзод Рўзибоев ҳам бор.

– Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ишига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман, – дейди Б.Рўзибоев. – Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг биз, ҳарбий хизматчиларни рағбатлантиришга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида янада фидойилик кўрсатишга, юксак дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундайди.

Мамлакатимиз ўз олдига буюк мақсадларни қўйган. Уларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган, эл-юрт тинчлиги ва равнақи учун ўзини аямайдиган мард ва фидойи инсонлар доимо эъзоз ва эътирофга муносибдир.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Наманган Вилояти

# БОҒЛАР БАРАКАСИ — ОМИЛКОРЛИКДАН



**Янгиқўрғон туманидаги фермер хўжаликлари фаолияти билан танишсангиз, туман фермерларининг шижоатига, фидойилигига таҳсин айтасиз.**

– Туманимиз бўйича 400 дан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксариятини ғаллачилик, боғдорчилик ҳамда сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этади, – дейди туман фермерлар кенгаши раиси Бахтиёр Турғунов. – Экин майдонларимиз қир-адирлик, дашт-тошлоқ ерлардан иборат бўлгани боис, мавжуд экин майдонларидан кўзланган ҳосилни олишнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, сув танқислиги, боз устига, баҳорнинг серёғин кунларида қаттиқ жала оқибатида сел келиши деҳқончилик юмушларига халақит беради. Аммо миришкор деҳқонларимизнинг астойдил қилган меҳнатлари эвазига туманимиз фермерлари жорий йилда ҳам ғалладан мўл-кўл ҳосил етиштиришди. Юксак ғалла хирмонида Муроджон ака Турғунов сингари тажрибали ва илғор фермерларнинг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.



Муроджон Турғунов раҳбарлигидаги "Турғунбой-Ўринбой-Муроджон" фермер хўжалиги деҳқонлари жорий йилда 67 гектар экин майдонининг 31 гектарига буғдой экиб, юқори ҳосилдорликка эришибди.

– Мустақиллик туфайли фермер бўлиб, ер эгасига, мулкдорга айландик, – дейди фермер Муроджон Турғунов. – Озод ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини таъминлашда ғалла мустақиллиги муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, эл фаровонлиги, халқимиз дастурхонининг тўкин-сочинлигини донсиз, нонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, биз ҳам экин майдонларимизнинг тоғолди ҳудудларида жойлашганлиги, мураккаб табиий шароитга қарамасдан ғалла етиштириш борасида кунни тунга улаб, енг шимариб меҳнат қилдик. Улкан муваффақиятларга эришишимизда Раҳимжон Эргашев, Муҳаммадали Тўраев, Тўхтасин Қодиров каби хўжалигимиз аъзоларининг ҳиссаси катта бўлди.

Дарвоқе, Янгиқўрғон деганида киши кўз ўнгидан беихтиёр Наманганнинг қирмизи олмалари ўтади. Айни пайтда туманнинг қайси бир ҳудудида бўлманг, меваларини кўтаролмай шохлари эгилган олмазорларга, олхўризорлару узумзорларга кўзингиз тушади. Мазкур хўжаликка қарашли янгидан ташкил этилган олмазорлар ҳам киши эътиборини ўзига тортади. Қарийб саккиз гектар майдондаги мевали дарахт кўчатлари бехато илдиз отиб, кўкка бўй чўзмоқда. Кўчат ораларига экилган сабзавотлар эса навбатма-навбат йиғиштирилиб, эл-юрт дастурхонига тортиқ этилмоқда.

– Кейинги йилларда туманимиз бўйича интенсив боғлар барпо этишга катта аҳамият берилмоқда, – дейди туман ҳокими Тоҳиржон Рапиқов. – Боғдорчиликка янги технологияларнинг жорий этилаётганлиги ўзининг афзалликларини кўрсатмоқда. Шу боис, интенсив усулда боғ яратмоқчи бўлаётган боғбонлар сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Мисол учун, бундан уч йил аввал "Бекобод-Тўйчи Неъматов" агрофирмаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Низомиддин Ҳусн Жамол" фермер хўжалигида интенсив усулдаги боққа асос солинган эди. Фермер хўжалиги раҳбари Ҳусниддин Тўрахўжаевнинг таъкидлашича, жорий йилдан бошлаб мазкур боғ-роғлар учун олинган имтиёзли кредит маблағлари тўлиғича қопланиб, хўжалик ҳисобига қўшимча даромад кела бошлайди.

Дарҳақиқат, туман миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, асосий фаолият тури ғаллачилик бўлса-да, хўжаликка қарашли бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмасдан, кириш йўллари, эгат четлари, ариқ ҳамда зовурлар ёқаларида турли хил мевали дарахтлар, полиз экинлари ва сабзавотларни парваришлаётган, ундан қўшимча даромад олаётган қишлоқ мулкдорларини кўплаб учратиш мумкин.

Сирасини айтганда, қир-адирлик ва дашт-тошлоқ ерларни ўзлаштириб, серҳосил боғ-роғларга айлантираётган, эл-юрт фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай ишлаётган янгиқўрғонлик бободеҳқону боғбонларга, соҳибкору сабзавоткорлар меҳнатига, шижоатига тасаннолар айтамиз.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

**Сарвар Анорбоев 2012 йилнинг кузида Оқолтин туманида доимо сув кўллаб, қамиш босиб ётадиган 5 гектар ерда балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил қилди. Сув тўпланган тўқайзор атрофини бульдозер билан суриб, ҳавза барпо этди. Ҳавзанинг ёнидан яна 17 гектар тўқайзорни қамиш, жинғил ва бегона ўтлардан тозалаб, ўзлаштириб пахта етиштириладиган майдонга айлантирди.**

# Хазина калити қўлимизда



*Оқолтин туманидаги "Анорбоев Сарвар Ўрозалиевич" фермер хўжалиги раҳбари Сарвар Анорбоев (ўнгда) ва "Бекмурод" фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммад Мамасолиев.*

– 2013 йилда 17 гектар майдонда пахта етиштириб, шартнома режасини 110 фоиз қилиб бажардик, – дейди фермер. – Балиқчилик хўжалигини ривожлантиришда "Агробанк"нинг туман бўлими 40 миллион сўм кредит ажратиб, бизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Ўтган йили ҳавзага оқ амур, сазан, дўнгпешона балиқлари чавоқларини ташлагандик. Бу йил эл дастурхонига 10 тонна парҳез балиқ тортиқ этишни кўзлаб турибмиз. Балиқларимизнинг ҳар бири 3-4 килограмм тош босадиган даражага етди. Келгуси йилдан бошлаб эса маҳсулдорлик икки баравар ўсади.

Фермер хўжалигининг пахта майдонларида ҳам мўл ҳосил тўпланди. Айни пайтда хўжалик аъзолари йиғим-теримга қизғин киришишмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

# ФЕРМЕР:



## ҚИШЛОҚЛАРИМИЗНИНГ ТАЯНЧ УСТУНИ

Тошкент Вилояти

# ДЕФОЛИАЦИЯ СИФАТИ – МЎЛ ҲОСИЛГА КАФОЛАТ

**Тошкент вилояти фермерлари ғўза баргларини сунъий тўктириш билан боғлиқ барча ташкилий ва амалий ишларни ниҳоясига етказдилар. Бу борада "Қишлоқхўжаликкимё" Тошкент вилояти бирлашмаси ҳамда унга қарашли туман шўъба корхоналари ишчи-хизматчилари уларга камарбаста бўлдилар.**

– Ҳозирлик ишларига барвақт киришилганлиги боис, дефолиация тадбирларини сифатли ўтказишга эришдик, – дейди "Қишлоқхўжаликкимё" вилоят бирлашмаси етакчи мутахассиси Шерзод Йўлдошев. – Мавсумда 327 та ОВХ агрегатлари, 90 та ишчи эритма шохобчалари отряд тизими таркибида фаол ҳаракатда бўлди. Ғўза барглари тўлиқ тўкилишини таъминлаш мақсадида техника яқинлашиши қийин бўлган симёғочлар ва дарахтлар ён-атрофларини дефолиация қилишда қўл аппаратларидан ҳам самарали фойдаланилди.

90 минг гектар майдондаги ғўза дефолиациядан чиқариб бўлинди. Ташкил этилган отрядлар сафида 781 нафар ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар мавсум муваффақиятини таъминладилар.

– "Қишлоқхўжаликкимё" шўъба корхонаси ходимлари қисқа фурсатда хўжалигимиз ихтиёридаги 50 гектар ғўзани сифатли дефолиация қилиб беришди, – дейди Бўка туманидаги "Темур" фермер хўжалиги раҳбари Мардон Тоиров. – Мутахассислар дефолиантлар таркибини, об-ҳаво даражасини тўғри ҳисобга олишгани боис, ғўза барглари тўлиқ тўкилиб боряпти. Эртаиндин биринчи теримга тушамиз. Бўка вилоятда пахтачиликка ихтисослашган йирик туманлардан ҳисобланади. Бу йил 472 та фермер хўжалигининг 15 минг 100 гектар пахта майдонида сифатли дефолиация ўтказилди. Бунинг учун 51 та ОВХ агрегатларидан унумли фойдаланилди.

Дефолиация ишларини олиб боришда Бўка, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Пискент ва Қуйи Чирчиқ туманларида алоҳида фаоллик кўрсатилди.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Фарғона Вилояти

**Ўзбекистон тумани марказига элтувчи Ўқчи — Яйпан йўлидан кетаётган эдик. Йўл четида машиналар юкхонасига шафтоли юклаётган одамлар эътиборимизни тортди. Тўхтадик. Қутилардаги бир текис, чиройли шафтолилар ҳавасингизни келтирар эди. Қарасак, йўлнинг нариги томонида – боғ. Шиғил мева берган шафтолизор.**

# *Олтин кузга саховат ярашади*



Сўрасак, айтишдики, бу "Достон" фермер хўжалигининг боғи. Фермер Отабек Аҳмедов деган тажрибали, ишбилармон киши экан. Шунда унинг ўзи ҳам чиқиб қолди. Танишдик. Суҳбатимиз ўз-ўзидан боғ мавзусига, бу йилги ҳосилга боғланди.

– Фермер хўжалигимиз ташкил топганига ўн йилдан ошди, – дейди фермер. – Дастлаб ўн гектар ерда боғ яратдик. Кўчат экишда эътиборни ҳосилдор навларга қаратдик. 2,5 гектар майдонга субҳони ва оқ ўрик кўчатларини қададик. Субҳони навли ўрик яхши қурийди. Ундан сифатли туршак олинади. Оқ ўрикнинг таъми энди пишганда жуда яхши бўлади. Шу боис, у ҳўллигида ҳам харидоргир бўлади. Мана ўрикларимиз айни ҳосилга кирган давр. Қайта ишлаш корхоналарини ҳам, бозорни ҳам обод қиляпти. Бу йил субҳонидан бир ярим тонна туршак олдик. Шафтолиларни эса, ўзингиз кўриб турибсиз, харидорлари боғимиздан олиб кетишмоқда.

Фермернинг боғида отёғи, нектарин, муяссар, оқ луччак, лола навли шафтоли дарахтлари бор экан. Уларнинг кўпини фермер ўзи пайвандлаб етиштирган. Харидорлар билан суҳбатлашсак, айтишадики, фермернинг шафтолилари асосан туксиз туридан экан. Бундай мева харидоргир бўлади. Отёғи навли тукли шафтоли эса соғлиққа фойдали бўлгани учун унга ҳам харидорлар кўп бўлар экан.

Фермер хўжалигининг беш аъзоси бор. Улар барча имкониятларни ишга солиб меҳнат қилишмоқда. Қолаверса, айни пайтдаги терим мавсумида маҳалла аҳли ёрдамга чиқишади.

– Боғда мева пишганда ундан оғзи тегмаган одам қолмайди, – дейди фермернинг маҳалладоши Эътиборхон опа. – Фермер боғ ҳосилидан маҳалладошларга улашади. Қолаверса, фермернинг маҳалла аҳлига доимий ёрдами тегиб туради. Кам таъминланган оилаларга, маҳалла ободонлигига ҳам улуш қўшиб келмоқда.

Саховатли кишига табиат ҳам саховатини очади. Бугун олтин куз мавсумида боғларининг саховатидан фермер, фермернинг саховатидан эса эл баҳраманд бўлмоқда.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах Вилояти

# «ШИРИН»ДА ШИРИН ТАШВИШЛАР

**Жиззах туманидаги Анвар Ҳожибоев раҳбарлик қилаётган "Ширин" фермер хўжалиги аъзолари ҳар йили ғалла ва пахтадан мўл ҳосил олиб келишмоқда. Бу йил ғалладан 51 центнер ҳосил кўтарилди. Айни вақтда 38,6 гектар майдонда "С-65-24" навли уруғлик пахта етиштирилмоқда.**

— Бу нав еримизга анчайин мос тушди, — дейди фермер. — Шу боис, 7 йилдан буён шу навли пахта етиштиряпмиз. Унинг агротехникасини пухта ўзлаштириб олдик. Ҳозирда таҳлилий ҳисоб-китобларимиз 40 центнердан ошириб ҳосил олишдан дарак бераётир. Етиштираётган пахтамиз уруғлик. Масъулиятимиз катта. Шу боис, ҳар бир тадбирни мукаммал бажаришга интиламиз.

Анвар Ҳожибоев раҳбарлигида фермер хўжалик аъзолари ўтган йили 40 центнердан ошириб пахта ҳосили олишди. Мавсум якунига кўра, фермерга имтиёзли асосда енгил автомашина берилди. Ер майдонининг 5 фоизидан томорқа сифатида фойдаланишга рухсат этишди. Қилаётган меҳнатининг орқасидан ўғлига намунали лойиҳа асосида қурилган уй олиб берди. Аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида ўзи яшайдиган Ёйилма қишлоғи марказида устахона ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуряпти. Бундан ташқари, "ТТЗ -811" русумли трактор олишни мўлжалламоқда. Шунингдек, фермерлар билан келишиб, ҳамкорликда "Клаас Доминатор" русумли ғалла ўриш комбайни сотиб олишди. Яна бир фермер билан "Арион-630" ҳайдов тракторини харид қилди. Деҳқон ўз ютуқларини меҳнат ва ишни тўғри ташкил этиш билан боғлайди.

Деҳқон ер тафтини ҳис қилса, ерга меҳр берса, ер ҳам саховатини аямайди. Фермернинг амакиси Ҳасан Ҳожибоев хўжаликнинг энг яхши маслаҳатчиси, тажрибали деҳқон. Унинг таъкидлашича, экишни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мўл ҳосилнинг асосий пойдевори. Ғўзага август ойида берилган эътибор эса ҳосилни сақлашнинг асосий шарти.

Анвар Ҳожибоев ҳозирда 2 нафар фарзандига фермерлик сирларини ўргатмоқда. Фермер хўжалигида 8 киши доимий иш билан таъминланган. Мавсумий юмушларга 12 нафар ёрдамчи жалб қилинади. Ҳар бир ишчига муайян ер майдони бириктирилган.

— Йиғим-теримни бошлаш арафасидамиз, — дейди фермер. — Уни қисқа ва мақбул муддатларда ўтказиш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз. Ҳосил чўғи бу йил ҳам юзимиз ёруғ бўлишига ишора қиляпти.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Хоразм Вилояти

# «ДЕҲҚОН ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАМИЗ»

***Деҳқон меҳнатининг юзага чиқиши учун уруғ қадашдан ҳосилни йиғиб олгунга қадар бўладиган жараённи хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин. Хусусан, ёнилғи-мойлаш материалларининг ўз вақтида етказиб берилиши агротехник тадбирларни ҳам вақтида ўтказиш имконини беради. "Урганч нефтбаза" унитар корхонаси ва унинг филиаллари ходимлари ана шу жараёнда фаол иштирок этиб келмоқда.***



– Иш самарадорлигини ошириш, корхонанинг техник ва технологик ҳолатини мукаммал яхшилаш чора-тадбирларини кўриш ва нефть маҳсулотларини ўз вақтида манзилга сифатли ҳолда етказиб бериш асосий вазифамиз ҳисобланади, – дейди корхона раҳбари Ўринбой Собиров. – Жорий йилда вилоятда 93800 гектар майдонда пахта етиштираётган, 33200 гектар ердаги ғалладан юқори ҳосил олган 2288 та фермер хўжалиги билан 24742 тонна нефть маҳсулотлари етказиб беришга шартнома имзолаганмиз. Ўтган ярим йил мобайнида вилоят бўйича 8005 тонна бензин, 490 тонна дизель ёнилғиси етказиб берилди. Нефть маҳсулотларини бевосита қишлоқ хўжалиги юмушлари бажариладиган дала бошига етказиб бериш юзасидан 85 та ёнилғи ташиш автоуловлари ва 107 та тиркамали тракторлар фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда вилоят бўйича фермерларга хизмат кўрсатувчи 109 та ёнилғи тарқатиш шохобчаси мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Шохобчаларда хизмат кўрсатаётган 545 нафардан зиёд малакали операторнинг ҳар бири ўз вазифаларига масъулият билан ёндашаётганликлари сабабли фермерлар улар хизматидан мамнун. Ишларни йўлга қўйишда бош муҳандис Хайрулла Эргашев, нефть маҳсулотлари етказиб бериш бўлими бошлиғи Жобберган Камоловларнинг хизматлари катта.



Унитар корхона жамоаси Урганч шаҳрининг кундан-кунга чирой очишида, ободонлаштириш ишларига ўзининг ҳомийлик ёрдамини кўрсатиб келмоқда. Ал-Беруний, Ёшлик, Ал-Хоразмий кўчаларида янги қурилган кўп қаватли уйларда жамоа аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан ободонлаштириш ва тартибга келтириш ишлари бажарилди.

Эрта-индин бободеҳқонларимиз тер тўкиб етиштирган пахта терими бошланади, ғалла экиш ишлари қизийди. "Урганч нефтбаза" унитар корхонаси жамоаси ана шу долзарб ишлар ижросида миришкорларимизга ҳар доимгидек камарбаста бўлишга бел боғламоқда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Андижон Вилояти

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

# УСТОЗ

***Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги арафасида Олтинкўл иқтисодиёт коллежи директори Шукуржон Маматқуловга Президентимиз Фармони билан "Ўзбекистон Қаҳрамони" фахрий унвони берилди. Бу ҳақдаги хабар тарқалгач, шубҳасиз, Шукуржон Маматқулов табриклар, қутловлар ва этак-этак гуллар оғушида қолди. Ҳанузгача табриклар оқими тугагани йўқ.***

Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу.

**Ислом КАРИМОВ**

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг фидойилиги, ташаббускорлиги, ғайрат-шижоати бошқаларга ҳам юқади, ибрат бўлади. Кишилар беихтиёр уларга ўхшагиси, уларнинг ёнида ишлагиси келади. Айниқса, бундай инсонлар мураббий бўлса, фаолияти ёшлар билан боғлиқ бўлса, уларнинг ибрати яна ўн чандон ошади. Шукуржон Маматқуловнинг ҳаёт ва фаолият йўли ҳам шундай ўтмоқда.

**ҲАЁТ – МУАЛЛИМ**

Урушга кетган отасидан "қора хат" келганида ҳали у гўдак – уч ёшда эди. Онаси Саттихон аянинг бағрида опаси Ортиқхон билан қолишди. Уларни едириш, кийдириш, ўқитиш учун она ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам урди. Турмуш ташвишларини, қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтишни дунёни эндигина англаётган гўдак онаси мисолида кўрди.

У туғилиб ўсган Андижон туманидаги Орол қишлоғи этагидан Қорадарё оқиб ўтади. Қишлоқнинг тепаси қир-адир. Андижонда энг сара шоли Орол қишлоғида етиштирилади. Уруш тугаган, аммо унинг асоратлари ҳар дамда сезилиб турган кезларда эндигина суяги қотаётган Шукуржон Қорадарё қирғоғидаги тошлоқни шолизорга айлантиришга киришди. Тошлоқ юзига халталаб тупроқ ташиди. Шу зайлда озгина майдонга бўлса-да, шоли сепди. Куз келганда Саттихон аянинг хонадонига уч-тўрт қоп шоли кирди. Ўғлининг илк меҳнат маҳсулини кўрган онанинг шодлиги чексиз бўлди. Кўрган ғам-ташвишларини бироз унутгандек бўлди. "Болам, сизга раҳмат!" деди. Онахон умр бўйи фарзандини сизлаб ўтди. Тили сенга бормади.

... Кейин эса кўп сувлар оқди. Бугунги кунгача Орол қишлоғи аҳолиси "Шукуржоннинг шолипояси" деб атайдиган тошлоқни неча марта Қорадарё ювиб кетди. Шукуржон ўқиди. Ишлади. Эл назарига тушди. Шукуржон Маматқулов бўлди. Фан номзоди, фан доктори даражасига етди. Минглаб ёшларга сабоқ берди.

Саттихон ая улуғ ёшга кирди. 92 ёшида давра қурди. Ўғлининг эришган ютуқларидан қувониб яшади. Шукуржон Маматқулов эса ҳаётдан олган илк дарсини ҳамон унутмайди: меҳнат одамни улуғлайди. Барча муваффақиятлар меҳнат ортидан келади.

**ИЛМИ КЎПНИНГ ИШИ ХЎБ**

Ҳаёт текис эмас экан. Мактабни тугатгач, икки йил хўжаликда ишлаб қолди. Унинг илмга қизиқишини, кечалари билан китоб ўқиб чиқишини онаси билар эди. Бир куни айтди: ўқинг, ўғлим, катта даргоҳларга бориб ўқинг. Биз ҳам бир кунимизни кўрамиз.

Китоб-дафтарини халтага жойлаган Шукуржон Тошкентга йўл олди. Халқ хўжалиги институтида ўқиди. Жамоат ишларида ҳам фаол бўлган Шукуржон тенгдошлари, қолаверса, устозлари назарига тушди. Бир гуруҳда ўқиган дўсти Ёқубжон Тўйчиевнинг айтишича, Шукуржонда сабр-тоқат, ўқиш-ўрганишга иштиёқ кучли эди. Шукуржондаги илмга интилишни кўра олган устозлари ўқишни аспирантурада давом эттиришни маслаҳат беришди. Ўзи ўқиган институтда меҳнат фаолиятини бошлади. Сўнгра олий даргоҳнинг Андижон филиалида кафедра мудири, ўқув ишлари бўйича проректор бўлиб, билганларини ёшларга сингдиришга киришди.

Мана ўн беш йилдирки, у Олтинкўл иқтисодиёт коллежининг раҳбари. Президентимиз томонидан касб-ҳунар муассасаларига бўлган алоҳида эътибор, ғамхўрлик ва айни пайтда бу борадаги қатъий талабни англаган Шукуржон Маматқуловнинг саъй-ҳаракати билан коллежда юқори педагогик маҳорат, ўқув-услубий салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилар жамоаси шаклланди. Ўқиш-ўқитишнинг замонавий интерфаол усулларини жорий этишда катта тажриба тўпланган мазкур коллеж республика миқёсида "Энг намунали таълим муассасаси", деган фахрли номга эга бўлди.

**КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...**

Шукуржон Маматқулов ҳамиша "Ҳар бир болада иқтидор бор, ўша иқтидорни уйғотиш ва ишга солиш Сиз билан бизнинг ишимиз", деб такрор-такрор айтади. Ва бунинг самарасини ўз фаолиятида яққол кўрсатиб келмоқда. Сўнгги беш йил давомида у раҳбарлик қилаётган коллежни мингдан зиёд ўқувчи тамомлади. Уларнинг кўпчилиги олий даргоҳларда ўқишни давом эттирди. Биргина жорий йилда коллеж ўқувчиларидан 18 нафари Андижон давлат университети талабаси бўлди. Бошқа олий таълим муассасаларида ўқиётганлари ҳам талайгина. Қолган битирувчилар ҳам ўз касбининг моҳири сифатида эътироф этиб келинмоқда. Пухта билимга эга бўлган ўқувчига ҳеч қаерда эшик ёпилмаслиги мазкур коллеж мисолида ярқ этиб намоён бўлиб турибдики, шу боис, кўплаб ота-оналар фарзандларининг айни шу даргоҳда таълим олишларини исташади.

Мавжуд кафедраларнинг ҳар бирида муайян йўналишда фан тўгараклари бор. Фидойи муаллимларнинг ўқувчилар билан ишлаш маҳорати бардавомлиги боис, ҳар йили коллеж ўқувчиларидан камида 40-45 нафари фан олимпиадаларида юқори кўрсаткичларни намоён этмоқда. Информатика фани ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Фарҳодбек Рўзиевнинг 3 нафар шогирди яқинда ушбу фандан республика бўйича яхши кўрсаткични қўлга киритишди.



Мазкур коллежда ҳеч бир ўқувчи эътибордан четда қолмайди. Даргоҳ раҳбари, ўринбосарлари, муаллимлар, амалиёт ўргатувчилар ёшлар билан ишлашнинг янги-янги усулларини қўллайди. Уларни машғулотларга қизиқтиради.

Ёш авлоднинг маънавий етуклигида спортнинг аҳамияти катта. Ушбу таълим муассасасида ҳам жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. 11 турдаги спорт секцияларида машғулотлар мунтазам равишда олиб борилади. Бунинг натижасида "Баркамол авлод" спорт ўйинларида коллеж ўқувчилари 17 та олтин, 10 та кумуш, 7 та бронза медалларига сазовор бўлишди. Кўплаб ўқувчилар спортнинг турли йўналишларида вилоят ва республика чемпионлари бўлишди.

Кимки бугун коллежга қадам босса, бу ердаги саранжом-саришталикни кўриб лол қолиши табиий. Бир-бирини асло такрорламайдиган гулзорлар, соя салқин йўлаклар Шукуржон Маматқуловнинг ташкилотчилигини айтиб турибди. Яратилган боғ ва қатор иссиқхоналардан олинаётган даромад коллеж ривожи йўлига йўналтириляпти.

Бугун Шукуржон Маматқуловнинг шогирдлари сонини санаб саноғига етиб бўлмайди. Устоз назарида бўлганлардан икки нафари фан доктори, 22 таси фан номзоди бўлди. Илм йўлида изланишни канда қилмаган устоз ҳозиргача 17 та ўқув қўлланмаси ҳамда 3 та дарслик яратди ва уларнинг барчаси таълим даргоҳларида қўлланилмоқда.

**ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС**

Етук иқтисодчи, моҳир нотиқ ва илғор маънавият тарғиботчиси Шукуржон Маматқулов халқ депутатлари туман ва вилоят Кенгашлари депутати сифатида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ҳам фаол. Ҳозир у Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарини ўқитиш ва тарғиб қилиш йўналишида "Раҳбар фаолияти самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" рисоласи устида изланиш олиб бормоқда.

Шукуржон аканинг оиласидан ҳам ибрат олса арзийди. Турмуш ўртоғи Сайёра опа — оқила аёл. Оиладаги муҳит фарзандлар тарбиясига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Фарзандларининг барчаси илмли. Қизи Саидахон ва бир ўғли олий ўқув юртларида муаллимлик қилишмоқда. Нодирбек эса "Орол гулшани" фермер хўжалигининг раҳбари.

Камтар, самимий сўзлайдиган устозни биз ҳам юксак унвон билан табриклар эканмиз, ўша кунгидек ҳаяжонланади.

– "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилганини эшитиб, юрагим ҳапқириб кетди, – дейди Шукуржон ака. – Узоқ-яқиндаги қадрдонларим мени табриклашяптию, мен эса ҳамкасбларимни. Чунки бир кишининг ўзи ҳеч қачон ҳеч нарса қилолмайди. Шунинг учун муҳтарам Президентимиз томонидан муносиб кўрилган бу мукофотни таълим аҳлига билдирилган юксак ҳурмат-эътибор, деб билдим. Мустақиллик туфайли меҳнатимиз қадр топди, шаънимиз, ғуруримиз, ҳақ-ҳуқуқимиз тикланди. Аввало, мана шу кунларга етказганига шукрона айтаман.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



# СПОРТ

ФУТБОЛ

## ЎСМИРЛАРИМИЗ ГУРУҲДА БИРИНЧИ

*Таиландда бўлиб ўтаётган футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг «С» гуруҳидан жой олган мамлакатимиз терма жамоаси иккинчи турда Шимолий Корея вакилларига қарши баҳс юритиб, 2:3 ҳисобида ғалаба қозонди.*



«С» гуруҳидан кейинги босқичга чиқиш учун асосий даъвогарлар сифатида кўрсатилаётган ушбу жамоалар ўртасидаги баҳс шиддатли ва қизиқарли кечди. Учрашувда дастлаб корейяликлар ташаббус кўрсатиб, 16-дақиқада ҳисобда олдинга чиқиб олишга эришишди. Аммо вакилларимиз аввалига 40-дақиқада Суҳроб Нуруллоевнинг чамаси 30 метрдан берган зарбасидан сўнг вазиятни тенглаштирган бўлса, танаффусга қадар яна битта гол киритиб, ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Бу вазиятда Абдуғани Ғанижонов ўнг қанотдан узатилган тўпни боши билан дарвозага йўллаб, ғалабага муносиб ҳиссасини қўшди. Суҳроб Нуруллоевнинг шижоати билан 58-дақиқада учинчи гол ҳам киритилди. Рақиблар ҳимоя чизиғидаги хатодан унумли фойдаланган Суҳроб учрашувдаги иккинчи голини киритишга муваффақ бўлди. Шимолий Корея вакилларининг кучи ҳисобни битта тўпга қисқартиришгагина етди. Ўзбекистон ўсмирлари баҳс бошланишини ҳисобга олмаганда бутун учрашув давомида нисбатан устунликни сақлаб турди ва якунда ғалаба қозонишди.

Дастлабки турда Қувайт вакилларини 3:0 ҳисобида енгган корейсларда ҳозирда уч очко мавжуд. Шунингдек, қувайтликлар иккинчи турда Непал термасидан ҳам мағлуб бўлишди – 2:1. Биринчи турда кечган Ўзбекистон ва Непал терма жамоалари ўртасидаги ўзаро ўйинда дуранг қайд этилгани маълум. Шу тариқа 4 очкодан жамғарган ушбу икки терма жамоа гуруҳда етакчилик қилмоқда.

Вакилларимизнинг гуруҳдаги сўнгги учрашуви 11 сентябрь куни биронта ҳам очкога эга бўлмаган Қувайт термасига қарши кечади.

ТЕННИС

## ЧОРАК ФИНАЛДА ИККИ ТЕННИСЧИМИЗ ЎЗАРО БАҲСЛАШАДИ

*Пойтахтимиз кортларида мукофот жамғармаси 250 минг АҚШ долларига тенг бўлган «Tashkent Open» турнирининг иккинчи давра баҳслари бўлиб ўтди.*



Унда ҳамюртимиз Нигина Абдураимова нуфузли турнирнинг иккинчи даврасида россиялик Александра Пановага қарши кортга чиқди.

Дастлабки сетда рус ракетка устасининг қўли баланд келди. Аммо кейинги икки сетда ҳамюртимиз ташаббусга эришиб, баҳсда ғалаба қозонишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, Оқгул Омонмуродова ҳам иккинчи давра баҳсини муваффақиятли якунлади. Украиналик Людмила Киченок билан кечган баҳсда Оқгул рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Биринчи сет Омонмуродованинг тўлиқ устунлигида ўтди – 6:1. Иккинчи сетда ҳам украиналик теннисчи Оқгулнинг кучли тўп узатишлари олдида ожиз қолди. Ҳал қилувчи сет юртдошимизнинг 6:2 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Энди чорак финалда икки теннисчимиз ўзаро бир-бирларига рақиб бўлишади.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

ЭҲТИЁТ ШАРТ!

## ОГОҲЛИК ТАЪЛИМИ

*Содир бўладиган ёнғинларнинг аксарияти кишиларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмасликлари оқибатида келиб чиқади. Бунга, айниқса, ёш болаларнинг қаровсиз қолдирилиши, эҳтиётсизлиги ҳам кўп ҳолларда сабаб бўлиб қолади.*

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан таълим муассасаларида кенг кўламдаги тушунтириш-тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, янги ўқув йили бошланиши муносабати билан барча таълим муассасаларидаги электр ва иситиш тармоқлари қатъий назоратдан ўтказилиб, мавжуд айрим нософзликлар ўз вақтида бартараф этилди. Ўт ўчириш бурчаклари ташкил қилиниб, барча зарур воситалар билан таъминланди.

Зеро, доимий назорат ҳамда эҳтиёткорлик хотиржам ва осойишта ҳаётимиз кафолатидир.

**Убайдулла ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар 12-ҲЁХО 24-ҲЁХҚ катта инспектори.**

○ Реклама

**АГРОТЕХНИКА**

- Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
- Боғ ва ферма учун тракторлар
- Гусеницали тракторлар
- Пресподборщик
- Ғўзапоя ўрадиган комбайн
- Ўт ўрадиган комбайн
- Макка ўрадиган комбайн
- Жўхори йиғувчи комбайн
- Косилка КИР 1,5
- Сомон йиғувчи мосламалар
- Картошка терадиган комбайн
- Картошка экадиган комбайн
- Буғдой экадиган сеялка
- Пахта экадиган сеялка
- Дори сепадиган мосламалар
- Сачратиб суғорувчи мосламалар
- Ем майдалаб тарқатувчи техника
- Культиваторлар
- Плуг, айланма плуг, дискали плуг
- Чизель, борона
- Экскаватор погрузчик, бульдозер
- Траншеекопатель, ямобур



(+99871) 150-58-58
150-68-68
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида

Эълон

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

## «СОҒЛОМ БОЛА – БАРКАМОЛ КЕЛАЖАК»

мавзусида давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун танлов эълон қилади

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишларидаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

*— кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;*

*— тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;*

*— ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар қизларини, турли оммавий-маданий тадбирларга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш;*

*— ота-она қаровисиз қолган етим болалар, ақлий ва жисмоний ривожланишда нуқсонлари бор болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;*

*— "Бир болага етти қўшни ота-она" шиори остида болалар тарбияси учун оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;*

*— ёшларда ватанпарварлик, тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш;*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:**

1. Талабнома тақдим этилаётганлиги тўғрисида ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институти ҳамда нодавлат ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган қўшма кузатув хати;

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳа талабномаси;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятини талаб қилса, лицензия нусхаси, Низом нусхаси киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар билан ташкилот муҳри тасдиқланган шаклда.

4. "ННТ фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, давлат органи ва ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказиш бўйича тузилган шартноманинг нусхаси;

5. ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтига ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказиш белгиланган ҳудудий ва соҳавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг нусхаси.

6. Битта давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси учун ажратиладиган маблағ миқдори 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2014 йил 2 сентябрдан 3 октябргача ҳар куни соат 9:30 дан 18:00 га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А 4 формат): "100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси 1-уй" манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

**Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун тел.: 239-26-76, 239-26-64.**

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 310-06-99; **Навоий** – (+99891) 332-00-88; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99893) 994-57-08; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** Ш.ЙЎЛДОШЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-919, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.35
16212 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5